



ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА САМАРАЛИ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD Исматов Холбўта Бегматович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0003-8884-1049

xolbuta.ismatov@soliq.uz

Аннотация. Мақолада давлатимиз ҳудудда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар ўртасидаги муносабатлар ва амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг мазмуни кўриб чиқилади. Бунда, эркин иқтисодий зоналарнинг фаолияти ва олиб борилаётган солиқ сиёсатининг самарадорлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик, давлатнинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсир даражаси ҳамда амалга оширилаётган солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Калит сўзлар: эркин иқтисодий зона, солиқ сиёсати, товарайланма, иш ўрни, имтиёз, самарадорлик.

ПУТИ РЕАЛИЗАЦИИ ЭФФЕКТИВНОЙ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН

PhD Исматов Холбўта Бегматович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматривается взаимосвязь действующих на территории нашего государства свободных экономических зон с содержанием проводимой налоговой политики. При этом, взаимосвязь между функционированием свободных экономических зон и степенью эффективности проводимой налоговой политики, деятельность государства в области создания свободных экономических зон, уровня их влияния на экономику страны, а также в разработка теоретических предложений и практических рекомендаций с целью повышения эффективности реализуемой налоговой политики.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, налоговая политика, товарооборот, занятость, льготы, эффективность.

WAYS TO IMPLEMENT AN EFFECTIVE TAX POLICY IN ORGANIZING THE ACTIVITIES OF FREE ECONOMIC ZONES

*PhD Ismatov Kholbuta Begmatovich
Tashkent State University of Economics*

Abstract. *The article examines the relationship between the free economic zones operating on the territory of our state and the content of the tax policy. At the same time, the relationship between the functioning of free economic zones and the degree of effectiveness of the tax policy, the state's activities in the field of creating free economic zones, the level of their impact on the country's economy, as well as the development of theoretical proposals and practical recommendations in order to increase the effectiveness of the implemented tax policy.*

Keywords: *free economic zone, tax policy, trade turnover, employment, benefits, efficiency.*

Кириш.

Ҳозирги глобаллашган даврда ҳар бир давлат ўз олдига улкан мақсадларни қўйиши аниқ, лекин бу мақсадлар инвестицияларсиз ташкил этилиши қийиндир. Инвестиция жараёнлари қуйидаги иқтисодий тизимнинг турли даражаларида амалга оширилади: минтақавий, миллий, халқаро, глобал. Шу инвестицияларнинг мажозий маънода ўчоғи ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади. Дарҳақиқат, эркин иқтисодий зоналар одатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспортни кўпайтириш ва диверсификация қилиш, иш ўринларини яратишга қаратилганлиги, шу билан бирга ҳукуматлар маҳаллий иқтисодиёт узоқ муддатда билим ва технологияларнинг тарқалишидан фойда кўришини англатади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, жумладан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳаллий минерал-хомашё ресурслар негизида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантиришда Барча иқтисодий зоналарда зарур инфратузилмадан (йўл, электр энергияси, сув ва оқова тизими) узлуксиз фойдаланиш имкониятларини яратиш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин оширишда дунёнинг 50 та нуфузли брендлари билан махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш каби 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари белгилаб берилган (Фармон, 2023).

Мазкур мақолада эркин иқтисодий зоналарнинг 2022-2023 йилларда яратилган саноат маҳсулоти ҳажми, зоналарда банд бўлганлар сони ва иш ҳақи жамғармаси, тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари, рентабеллик даражаси, тўланган солиқ ва йиғимлар, ташқи савдо операциялари ва иштирокчиларнинг барқарор рейтингда тутган ўринлари таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги вақтда «эркин иқтисодий зоналар» тушунчасини аниқлашга замонавий олимларнинг турлича ёндашувлари мавжуд. Аксарият олимларнинг таъкидлашича, ЭИЗлар алоҳида режимга эга миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган имтиёзлар ва рағбатлантириш тизими қўлланилади, яъни у биринчи навбатда географик жиҳатдан мустаҳкамланган ҳудуд ҳисобланади (Авдокушин, 1999). Бошқалар эса ЭИЗни жаҳон иқтисодиётининг

муҳим институти ва халқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида шакли деб ҳисоблайдилар (Повлов, 2006). Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси таърифга бир хил ёндашувни ўз ичига олади. Таҳлил қилинаётган тушунчаларнинг асосий фарқи ЭИЗларни яратиш ва амалга ошириш мақсадларининг хилма-хиллигидадир.

Шу муносабат билан ҳатто кичик бизнес субъектлари ҳам вилоят ёки бутун мамлакатнинг умумий иқтисодий тизимига интеграциялашган бўлиб, улар фаолиятининг асосий йўналишлари фаолиятнинг билим ва юқори технологияли соҳаларига ўтмоқда. Ахборот технологиялари ривожига таъсирида корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви аҳамиятининг камайиши ҳам савдо бозорларини, хомашё харид қилиш марказларини кенгайтириш ва меҳнат ресурсларини масофадан туриб ишлашга жалб этиш имконини бераётгани ҳам бундан кам эмас (Guangwen, 2003).

Приходко, Воловик (2007) ЭИЗнинг бешта асосий тури мавжуд: савдо, саноат-ишлаб чиқариш, техник-амалга ошириш, хизмат кўрсатиш ва интеграциялашган, бу тасниф ЭИЗ доирасидаги иқтисодий ихтисослашувга асосланади.

Сафронов (2016) эркин иқтисодий зоналарни функционал нуқтаи назар билан қуйидагиларга ажратади:

1) божсиз савдо транспорт ва омбор хизматларини ривожлантириш ва экспорт маҳсулоти билан бирлаштирилган ташқи савдога;

2) инновацион жараёнларга, юқори технологияларни ривожлантириш ва ўзлаштиришга йўналтирилган технопарклар ва технополислар

3) номоддий кўп истеъмол товарлари (ўйинчоқлардан электроникагача) экспорт ишлаб чиқаришга йўналтирилган комплекс ишлаб чиқариш зоналари; 4) чегараланган ҳудудларда норезидентларнинг чет эл валютаси билан операцияларини рўйхатдан ўтказиш, солиққа тортиш, банк сири ва бошқалар бўйича имтиёзли шароитлар яратилган оффшор зоналар.

Хорижий мамлакатларда индустриал зоналарни барпо этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда барпо этилаётган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан тубдан фарқ қилади. Лекин уларни барпо этиш ва ривожлантириш тажрибасининг айрим жиҳатларини Ўзбекистон шароитига мослаштирган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Айни пайтда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида 5000 дан ортиқ ЭИЗлар, жумладан, 400 дан ортиқ эркин савдо зоналари, шунча илмий-саноат парклари, 300 дан ортиқ экспорт-ишлаб чиқариш зоналари, 100 дан ортиқ махсус мақсадли зоналар (экологик -иқтисодий, оффшор, туристик) ва бошқалар фаолият юритади.

ЭИЗларнинг энг кўп сони (сони камайиш тартибида келтирилган) Хитой, Филиппин, Ҳиндистон, АҚШ, Россия Федерацияси, Туркия, Таиланд, Доминикан Республикаси, Кения ва Никарагуа мамлакатларда жойлашган. ОЭСД маълумотларига кўра, эркин зоналар йилига камида 3,5 миллиард долларлик экспортни қўллаб-қувватлайди, бу глобал товар савдосининг тахминан 20 фоизига тенг. Жаҳон иқтисодиёти учун аҳамиятига қарамай, эркин зоналардаги иқтисодий фаолият ҳақида жуда кам нарса маълум (World Outlook).

Махсус иқтисодий зоналар, айниқса, Осиёда кенг тарқалган бўлиб, улар сўнгги ўн йилликларда экспортга асосланган иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Бироқ, саноати ривожланган мамлакатларда ҳам эркин зоналар: масалан, АҚШда 250 дан ортиқ ташқи савдо зоналари мавжуд.

Шуни таъкидлаш керакки, эркин иқтисодий зоналардан фойдаланиш нафақат ушбу ҳудуд фуқаролари учун, балки бутун мамлакатимиз учун, шу жумладан барча сиёсат турлари - солиқ, ижтимоий, таълим ва бошқалар учун ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатда яратилган эркин иқтисодий зоналар фаолигини ошириш, уларнинг минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил ҳамда таққослаш усулларидадан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг эркин иқтисодий зоналар фаолиятини самарали ташкил этишда солиқ сиёсати билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда мамлакатимизда 709 та эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ), шундан 25 таси махсус иқтисодий зоналар (МИЗ), 502 таси кичик саноат зоналари (КСЗ) ва 182 таси ёшлар саноат зоналари (ЁСЗ) ҳиссасига тўғри келади. Уларда иштирокчилар ва ходимлар сони 1-расмда келтирилган.



1-расм. ЭИЗ иштирокчилари ва улардаги иш ўринлари

Манба: Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Махсус иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган (2024 йилнинг 1 май ҳолатига) 1060 та хўжалик субъектларининг 1002 таси (94,5%) фаолият кўрсатмоқда ва 58 таси (5,5%) фаолиятини тўхтатган бўлса, кичик саноат зоналарида (502 та) 4,0 мингдан ортиқ хўжалик субъекти рўйхатдан ўтган. Шундан, 2,8 мингтаси (70%) фаолиятини бошлаган бўлса, 1,2 мингтаси (30%) лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида. Шунингдек, ёшлар саноат зоналарида (182 та) 2,5 мингта хўжалик субъекти рўйхатдан ўтиб, 1,3 мингтаси (51%) фаолиятини бошлаган бўлса, 1,2 мингтаси (49%) лойиҳаларни амалга ошириш жараёнидалиги маълум бўлди.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг амалга оширган товар айланмаси мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотининг 4-4,5 фоизга тўғри келади. ЭИЗлар кесимида амалга оширилган товар айланмалар қўйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлган. 2023 йилда 1046 та МИЗ иштирокчилари товар айланмаси 55,3 трлн.сўмни ташкил этиб, 2022 йилга (39,2 трлн.сўм) нисбатан 41 фоизга ўсган. Шу билан бирга МИЗ аъзоси бўлган 358 та субъектда (34%) товар айланмалари 2022 йилга нисбатан 4,0 трлн.сўмга камайганлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Эркин иқтисодий зоналарда яратилаётган иш ўринлари ва ҳисобланаётган иш ҳақи жамғармасига оид кўрсаткичлар таҳлил қилинганда қўйидагилар аниқланди. 1. 2023 йилда МИЗ ишловчиларнинг умумий сони 51,8 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 4,1 мингтага (9%) кўпайган. МИЗларнинг 319 та (30%) субъектида ишчилар сони ўтган 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 4,7 мингтага камайган бўлса, ҳисобланаётган иш ҳақи жамғармаси 2023 йилда 1,9 трлн.сўмни ташкил этиб, 33 фоизга ошган. КСЗнинг 774 та (28%) субъектида ўтган 2023 йилда ишчилар сони 4,1 мингтага камайган. КСЗ умумий ишловчилар сони 2023 йилда 35,7 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга (32,7 мингта) нисбатан 3,0 мингтага (9%, 1 чоракда 3%) ошгани ҳолда иш

ҳақи жамғармаси 1,2 трлн.сўмни ташкил этиб, 36 фоизга ўсган. Шу билан бирга, 2023 йилда 923 та (33%) субъектда иш ҳақи жамғармаси 60 млрд.сўмга камайган. ЁСЗ ишловчиларнинг умумий сони 2023 йилда 3,6 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 0,2 мингтага (6%) кўпайган бўлса, иш ҳақи жамғармаси 56,4 млрд.сўмдан иборат ва 24 фоизга ошганлиги маълум бўлди.

Эркин иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, божхона имтиёзлари ва енгилликларининг кенг тизимини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. МИЗ аъзоларидан 2022 йилда 508 таси 514,0 млрд.сўмлик, 2023 йилда 531 таси 644,0 млрд.сўмлик (25,3 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Фойдаланилган солиқ имтиёзининг тўланган солиққа нисбати 2023 йилда 38 фоизни ташкил этган. КСЗ иштирокчилари фаолияти бўйича барча меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган имтиёзлар инobatга олинган ҳолда 2022 йилда 628 та субъект 510 млрд.сўмлик, 2023 йилда 695 таси 581 млрд.сўмлик (14 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Шунингдек, ЁСЗ иштирокчилари фаолияти бўйича 2022 йилда 105 та субъект 29,8 млрд.сўмлик, 2023 йилда 138 таси 32,3 млрд.сўмлик (8 фоизга ўсган) солиқ имтиёзларидан фойдаланганлиги маълум бўлди.

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва яратилган шароитлар ҳамда тақдим этилаётган имконият ва имтиёзлар шароитида иштирокчиларнинг рентабеллик даражаси ўрганилди. Бунда, ЭИЗ иштирокчиларидан 324 таси 2023 йилни зарар билан яқунлаганлиги, рентабеллик даражаси 2022 йилда ўртача 8,6 фоизни ва 2023 йилда 6,1 фоизни ташкил этган, шунингдек, 2023 йилда фойда олган 372 та субъектнинг 223 таси (60 фоизи) 5 фоизгача паст рентабеллик ва 49 таси (13 фоизи) 20 фоиздан юқори рентабелликда бўлганлиги ҳисоб-китоб қилинган. КСЗ фаолият юритаётган 436 та хўжалик субъекти 2023 йилни 778 млрд.сўм зарар билан яқунлаганлиги, рентабеллик даражаси 2022 йилда ўртача 5,2 фоиз ва 2023 йилда 4,7 фоизни ташкил этиб, 2023 йилда фойда олган субъектлардан 463 таси (45 фоизи) 5 фоизгача “паст” рентабеллик даражасида ва 307 таси (29 фоизи) 20 фоизгача “ўрта” рентабелликда бўлган.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш ташкил этиладиган ҳудуд сифатида эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилган ташқи савдо операциялар сифатида МИЗ иштирокчиларининг 263 таси (25 фоиз) 2023 йилда (2022 йилда 281 та) 610,2 млн.доллар (602,9 млн.доллар) экспорт амалга оширган. 121 тасининг (112 таси) экспорт улуши жами реализациясининг 20 фоизини ташкил этган. Товарлар импорти 2023 йилда 3,2 млрд.долларни (шундан ускуна – 715,7 млн.доллар) ташкил этиб, 2022 йилга (2,2 млрд.доллар, шундан ускуна – 312,9 млн.доллар) нисбатан 1,0 млрд.долларга ошган. Натижада, экспорт-импорт операциялари бўйича салбий фарқ 2023 йилда 2,6 млрд.долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,0 млрд.долларга ошганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, КСЗ иштирокчиларидан 216 таси 2023 йилда (2022 йилда 231 та) 362,3 млн.долларлик экспорт амалга оширган. Экспортёр корхоналар сони 15 тага камайган. 103 таси (119 таси) томонидан амалга оширилган экспорт улуши жами реализациясининг 20 фоиздан ҳам кам бўлган бўлса, товарлар импорти 2023 йилда 702,8 млн.долларни (шундан ускуна 54,9 млн.доллар) ташкил этиб, ўтган йилга (578,1 млн.доллар, шундан ускуна 125,8 млн.доллар) нисбатан 124,6 млн.долларга ошган. Ўтган 2023 йилда 6 та субъект томонидан 20,5 млн.долларга товарлар юқори

нархда импорт қилинган бўлиб, ўтган 2022 йилга (15,6 млн.доллар) нисбатан 4,9 млн.долларга ошганлиги ҳисоб қилинган.

Бундан ташқари, ЁСЗ иштирокчиларидан 25 таси 2023 йилда 21,2 млн.доллар (2022 йилда 13,4 млн.доллар) экспорт амалга оширганларнинг 6 таси томонидан амалга оширилган экспорт улуши жами реализациясининг 20 фоиздан ҳам кам бўлиб, товарлар импорти 2023 йилда 5,9 млн.долларни (шундан ускуна 2,0 млн.доллар) ташкил этган.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси ва иштирокчиси бўлмаган корхоналарнинг бир бирликда маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятлари таққосланганида - ЭИЗ фаолият юритаётган "А" МЧЖ 2024 йилда жами 39,7 млн.сўмлик имтиёздан фойдаланган ва 2023 йилда 3,3 млрд сўмлик (1 донаси ўртача 2,4 минг сўм), 2024 йилда 1,5 млрд сўмлик (1 донаси ўртача 2,8 минг сўм) маҳсулотларни сотганлиги ва худди шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи МИЗ аъзоси бўлмаган "В" МЧЖга 19,3 млн. сўм ер ва мол-мулк солиғи ҳисоблангани ҳолда жамият томонидан 2023 йилда 6,1 млрд сўмлик (1 донаси ўртача 1,9 минг сўм), 2024 йилда 1,6 млрд сўмлик (1 донаси ўртача 1,8 минг сўм) маҳсулотлари сотганлиги, яъни 2023 йилда ЭИЗ иштирокчиси бир бирлик маҳсулот нархини 2,4 – 2,8 минг сўм, ЭИЗ аъзоси бўлмаган жамият 1,8 – 1,9 минг сўмдан (600-900 сўмга, ўртача 28% арзон) сотганлигини кўриш мумкин.

Ёки ЭИЗ иштирокчиси "С" МЧЖ 3,4 гектар ер майдони учун 156,6 млн.сўм ер солиғидан, мол-мулк солиғидан 256,1 млн.сўм, сув солиғидан 1,3 млн.сўм имтиёздан фойдаланган бўлсада, 228,6 млн.сўм зарар билан яқунлаган. Худди шундай, гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ЭИЗ иштирокчиси бўлмаган "Д" МЧЖ 3,5 гектар ер майдони билан ер, мол-мулк ва сув солиғига 222,9 млн.сўм тўлаб, 2024 йил I чоракни 883,1 млн.сўм фойда (4,8 фоиз рентабеллик) билан яқунлаган бўлса, "С" МЧЖ 1 турдаги маҳсулотни 45,1 минг сўмдан ва 2-турдаги маҳсулотини 26,6 минг сўмдан сотаётган бўлса, ЭИЗ аъзоси бўлмаган "Д" МЧЖ худди шу марказдаги маҳсулотларини мос равишда 40,0 минг сўмдан ва 23,1 минг сўмдан (3,5-5,0 минг сўмга, ўртача 13% арзон) сотган ҳисоб-китоб қилинди.

МИЗ иштирокчиларига тақдим этилган солиқ имтиёзларини самарадорлигини аниқлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий ва бюджет йўналишларида максимал 1 баллик шкалада 0,66 ва ундан юқори – **самарали**, 0,41 ва 0,65 оралиғида – **ўрта самарали**, 0,40 гача – **самарасиз** деб баҳолаш мезонлари белгилаб олиниши, бунда, МИЗ иштирокчиларига берилган имтиёзлардан 2023 йилда 598 та ҳолатда 602,4 млрд.сўмни ташкил этиб, жами тўпланган баллар 0,30 га (*иқтисодий кўрсаткичдан 0,44 балл, ижтимоий кўрсаткичдан 0,29 балл, бюджет кўрсаткичдан 0,2 балл*) тенг бўлиб, **самарасиз** деб топилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур йўналишда самарали иш ташкил этилган мамлакатларнинг илғор хорижий тажрибалар ўрганилиб, қуйидаги ижобий жиҳатлари ўрганилганда, *дунёдаги биринчи ЭИЗ 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида янги* компаниялар ва иш ўринларини яратиш мақсадида ташкил этилган. Вақт ўтиши билан бундай зоналар бошқа мамлакатларда пайдо бўлди: АҚШда бу технопарклар, Хитойда - махсус иқтисодий зоналар, Грузияда - эркин саноат зоналари ва бошқалар.

1980 йилларда **Хитойда** махсус порт зоналарининг муваффақиятли ишга туширилиши, махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) кўплаб мамлакатларда иқтисодиётни диверсификация қилиш ва юқори технологияли тармоқларга сармояларни жалб қилишнинг муҳим воситасига айланди. Хитойда ушбу турдаги **200** дан ортиқ **зоналар**, шунингдек, камроқ имтиёзли яна бир неча ўнлаб махсус ҳудудлар мавжуд. Жаҳон банки маълумотларига кўра, жами МИЗ улушига Хитой **ЯИМнинг 22 фоизи**, хорижий инвестицияларнинг **46 фоизи** ва **экспортнинг 60 фоизи** тўғри келади. Бундан ташқари, саноат парклари ЯИМнинг **50%** дан **80%** гача ўсишини таъминлайди. Махсус зоналарда ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси **60 фоизни**, бутун мамлакат бўйича эса тахминан **10 фоизни** ташкил этади.

Ҳиндистонда биринчи экспортни қайта ишлаш зонаси (ЭҚЗ) 1965 йилда пайдо бўлган (қонун 2001-2005 йилларда қабул қилинган). 2022 йил декабрь ойида **425 та МИЗ** рўйхатга олинди, шундан **270 таси** фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатдан экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг **35 фоизга** яқини МИЗ орқали амалга оширилади. 2022-2023 йилларда зоналар экспорти 2006 йилдан 2022 йилгача **156 млрд.долларни** ташкил этди, қарийб 6500 млрд.рупий сармоя киритилди, натижада **2,8 млн.иш** ўрни яратилди.

Ҳозирги вақтда **Россияда 56 та** махсус иқтисодий зоналар мавжуд (Қонун 2005 йилда қабул қилинган). 2005 йилдан буён **670 дан** ортиқ резидент рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан **100 дан** ортиғи **35** давлатдан хорижий капитал иштирокидаги компаниялардир. Шу йилларда эълон қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми **15 млрд.доллардан** ортиқни, ўзлаштирилган инвестициялар – **4,5 млрд.доллардан** ортиқни ташкил этди, **25 мингдан ортиқ иш ўрни** яратилди, **67 млрд.рублдан** ортиқ солиқ ва божхона тўловлари тўланди. Шунингдек, резидентлар ихтиролар учун **400 дан ортиқ патент** олдилар.

МИЗда лойиҳаларни амалга оширишда инвесторларнинг харажатлари Россия Федерациясининг қолган қисмига қараганда **30%** паст. Бу ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам берди: энг кўп маблағни Хитой (**1,5 млрд.доллар**), АҚШ (**1 млрд.доллар**), Туркия (**646 млн.доллар**) ва Япония (**532 млн.доллар**) компаниялари киритди. Йирик инвесторлар орасида Австрия, Германия, Франция ва Вьетнам компаниялари ҳам бор.

Самарадорлик таҳлили **25** нисбий ва мутлақ кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Агар ушбу самарадорлик омилларининг умумий қийматига кўра, баҳолаш **80%** дан ортиқ деб аниқланса, у ҳолда МИЗ самарали ҳисобланади. **40-80 фоиз** натижа билан махсус иқтисодий зона барқарор фаолият кўрсатмоқда. **40%** дан паст рейтинг самарасиз МИЗни билдиради.

Махсус иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолашнинг бошқа мезонлари орасида энг муҳимлари қуйидагилардир:

- *ЭИЗ резидентлари сони;*
- *жалб қилинган инвестициялар ҳажми;*
- *МИЗ фаолиятдан олинган фойда (товар ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар);*
- *яратилган бўш иш ўринлари сони;*
- *давлат томонидан олинган солиқлар, божхона тўловлари, суғурта тўловлари ҳажмлари.*

Россия Федерацияси Ҳукуматининг “Махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ (Қарор, 2016), самарадорликни баҳолаш учун қуйидаги ҳисоб-китоб самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади:

а) махсус иқтисодий зона **резидентлари сони**, шу жумладан акциядорлар (иштирокчилар) ва резидентлар сифатида хорижий инвесторлар иштирокидаги резидентлар сони (баҳолаш йили учун прогноз ва ҳақиқий қийматлар ҳамда махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб жамланган ҳолда);

б) махсус иқтисодий зона резидентлари ва махсус иқтисодий зона бошқарув компанияси томонидан махсус иқтисодий зона ҳудудида яратилган **иш ўринлари сони** (баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар ҳамда махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб жамланган ҳолда);

в) махсус иқтисодий зонада фаолиятни амалга ошириш тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ **инвестициялар**, шу жумладан капитал қўйилмалар **ҳажми** (баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар ҳамда махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб жамланган ҳолда);

г) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини олиб ташлаган ҳолда товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан тушган **тушумлар ҳажми**;

д) махсус иқтисодий зонанинг муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновацион ва бошқа инфратузилма объектларини яратишни молиялаштиришга йўналтирилган **сарфланган федерал бюджет маблағлари ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

е) махсус иқтисодий зонанинг муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновацион ва бошқа инфратузилма объектларини яратишни молиялаштириш учун Россия Федерациясининг **субъекти бюджетидан** ва маҳаллий бюджетлардан **сарфланган маблағлар миқдори** (баҳолаш йили учун ва махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан жами режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

ж) махсус иқтисодий зона **бошқарув компаниясининг** хўжалик фаолиятдан олинган ва махсус иқтисодий зонанинг муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновацион ва бошқа инфратузилма объектларини яратишга **йўналтирилган маблағлари** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун жами режалаштирилган ва амалдаги қийматлар);

з) **резидентлар томонидан** Россия Федерацияси бюджет тизими бюджетларига **тўланган солиқлар суммаси**, махсус иқтисодий зона резидентларига ва бошқарув компаниясига амалда қопланган қўшилган қиймат солиғи суммасини чегириб ташлаган ҳолда (баҳолаш йили ва махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

и) махсус иқтисодий зона резидентлари ва бошқарув компанияси томонидан **тўланган божхона тўловлари ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлари);

к) резидентлар ва бошқарувчи компания томонидан тўланган **суғурта бадаллари ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

л) махсус иқтисодий зона резидентлари томонидан федерал бюджетга ўтказиладиган қисмида фойдаланиладиган **солиқ имтиёзлари ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

м) резидентлар томонидан **фойдаланиладиган божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

н) резидентлар томонидан фойдаланиладиган **суғурта бадалларини тўлаш бўйича имтиёзлар ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

о) махсус иқтисодий зона резидентлари томонидан Россия Федерациясининг субъекти бюджетига ва маҳаллий бюджетга ўтказиладиган қисмида фойдаланиладиган **солиқ имтиёзлари ҳажми** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

п) махсус иқтисодий зона ҳудудида қурилган ва фойдаланишга топширилган муҳандислик, транспорт, ижтимоий, инновацион ва бошқа инфратузилма **объектлари сони** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайтдан бошлаб ўсиб боровчи яқун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва амалдаги қийматлари), шунингдек уларнинг лойиҳавий қуввати;

р) ҳисобот йили якуни бўйича жамланган ҳолда махсус иқтисодий зонанинг инфратузилма объектларини яратиш учун федерал бюджетдан ҳақиқатда ажратилган **сарфланмаган маблағлар (қолдиқ) суммаси**;

с) ҳисобот йили якуни бўйича жамланган ҳолда махсус иқтисодий зонанинг инфратузилма объектларини яратиш учун Россия Федерациясининг субъекти бюджетидан ва маҳаллий бюджетдан ҳақиқатда ажратилган **сарфланмаган маблағлар (қолдиқ) ҳажми**;

т) махсус иқтисодий зона резидентларига ижарага берилган ва (ёки) тегишли бўлган **ер участкалари умумий майдонининг** махсус иқтисодий зонанинг умумий фойдали майдонидаги **улуши** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайдан бошлаб ўсиб боровчи якун билан режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар);

у) махсус иқтисодий зона резидентларининг шартнома мажбуриятлари билан эълон қилинган ва тасдиқланган инфратузилма объектлари қувватининг фойдаланишга топширилаётган, барпо этилаётган ёки яратилаётган **инфратузилма объектларининг** умумий қувватидаги **улуши** (махсус иқтисодий зона ташкил этилган пайдан бошлаб ўсиб боровчи якун билан ва баҳолаш йили учун режалаштирилган ва амалдаги қийматлари).

Хулоса ва таклифлар.

Давлатимизга нисбатан махсус иқтисодий зоналардан фойдаланиш ички иқтисодиётда юзага келадиган бир қатор муҳим муаммоларни, хусусан чет эл капиталини жалб қилиш қобилияти, турли хил технологиялар, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва усуллари кабиларини ҳал қилишга имкон беради. Бундан ташқари, бу давлатга халқаро иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш учун бозор инфратузилмасини ривожлантиришга имкон беради, шу туфайли мамлакат махсус иқтисодий зоналар ҳудудидан жаҳон бозори ва ички иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида фойдаланиши мумкин.

ЭИЗни ташкил этиш давлат учун ҳам, мамлакат инвесторлари ва трейдерлари учун ҳам ўзаро манфаатли, ЭИЗларни ташкил этиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни кенг қўламда жалб этишга хизмат қилмоқда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, давлатнинг талаб қилинмаган илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш сифатида экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва диверсификация қилиш ҳамда иқтисодиётнинг айрим тармоқларида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари ҳамда тадбиркорлик фаолияти соҳасида цивилизациялашган муносабатлар кўникмаларини ривожлантириш, инфратузилмани шакллантириш, транспорт тармоғи ва коммуникациялари, ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда молиявий инвестицияларни жалб қилишга замин яратади.

Ушбу зоналарнинг яратилиши солиқ сиёсатининг мазмуни ва хусусиятига бевосита таъсир қилади. Буни бир неча усул билан ифодалаш мумкин:

- эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши туфайли солиқ имтиёзлари соҳасида янги усулларни фаол қўлланиши, чунки бундай зоналар биринчи навбатда шу мақсадда яратилади;

- эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши давлатга солиқ солиш жараёнида солиқни бошқаришнинг янги шакллари ва усуллари қўллаш имконини беради, чунки бундай вазиятда анъанавий усуллар керакли самарани бермаслиги мумкин;

- ЭИЗнинг ташкил этилиши солиқ сиёсатни маълум бир ҳудудда ва зоналарда фаолият юритаётган резидентларга нисбатан уларнинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли хил воситалардан фойдаланиш орқали фарқлаш имконини беради. Яъни, ушбу омил туфайли солиқ сиёсати янада мослашувчан ва натижада самаралироқ бўлади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган илмий изланишларни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги амалга оширилган таҳлил ва ўраганишлар натижасида мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор таклифлар шакллантирилди. Жумладан:

1. Эркин иқтисодий зоналар бошқариш дирекциялари, шунингдек иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарали ташкил этишда ягона назорат қилувчи **ваколатли орган** ва унинг вазифаларини белгилаш ва зоналар фаолиятини тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиб, уларнинг фаолиятини ривожланиш даражаси ва самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

2. Эркин иқтисодий зоналар ва уларга аъзо хўжалик субъектларига ажратилган ва фойдаланаётган ер майдони ҳисоби, лойиҳаларни реализация қилиниши, инвестицион мажбуриятлар бажарилиши ҳисобини юритадиган тегишли вазирликлар, агентликлар, дирекциялар маълумотлари интеграция қилинган **ягона электрон платформа** ишлаб чиқиш

3. Электрон платформа орқали солиқ органларига зоналар ва уларга аъзо хўжалик субъектлари тўғрисидаги (иштирокчи мақоми берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда бекор қилинганлиги тўғрисида маълумот; иштирокчилар томонидан киритилган инвестиция ҳажми; зоналар ҳудудидаги ер майдони, биноси (иншоот) ва уларга расмийлаштирилган ҳужжатлари; зоналар ҳудудида ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) объекти фойдаланишга қабул қилинган сана, амалга оширган фаолиятидан олинган фойдаси) маълумотлари **тақдим этишни**;

4. ЭИЗ ва уларга аъзо тадбиркорлик субъектлари, ажратилган ер майдонлари, инвестиция мажбуриятлари бажарилишини хатловдан ўтказиш, кўрсаткичларни бирхиллаштириш, саноат зоналари сонини оптималлаштириш, бўш ва истиқболсиз ер майдонларини қайтариш, инфратузилмалар учун молиялаштириш манбаларини ҳал этиш;

5. Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига битимда белгиланган мажбуриятларни бажармаган ҳолларда тақдим этилган солиқ имтиёзларини бутун фойдаланган даври мобайнида бекор қилиб, бюджетга ундирилишини таъминлаш;

Умуман олганда, эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият юритиши минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг инновацион ва инвестициявий ривожланишига хизмат қилади.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Guangwen M. (2003) *The Theory and Practice of Free Economic Zones: a Case Study of Tianjin, People's Republic of China. Germany*, 218 p. DOI: 10.11588/heidok.00003244. Available at: <https://core.ac.uk/download/pdf/32578724.pdf> (accessed 11 March 2018)

Авдокушин Е.Ф. (1999) *Международные экономические отношения*. – М.: Юрист, – 368 с.

Қарор (2016) *Россия Федерацияси Ҳукуматининг 7 июлдаги “Махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги 643-сон қарори*.

Қонун (2020) *Ўзбекистон Республикасининг 17.02 даги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни*.

Павлов П.В. (2006) *Особые экономические зоны как институциональные инструменты включения России в глобализирующееся мировое хозяйство*. – Ростов-н/Д: Изд-во РГУ. – 276 с.

Приходько С.В., Воловик Н.П. (2007) *Особые экономические зоны*. – М.: ИЭПП. – 268 с.

Сафронов Н.А. (2016) *Экономика организации (предприятия)*. – М.: Экономика. 526 с.

Фармон (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сон Фармони.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 сентябрдаги “«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони.

Интернет манбаси. <https://gdpquadrat.com/digest/instrument-razvitiya/naskolko-effektivny-osobyе-ekonomicheskie-zony-rossii/>.

Интернет манбаси. <https://www.indianewsnetwork.com/ru/20231130/special-economic-zones-new-legislation-on-the-anvil-to-give-fresh-impetus-to-the-sector>.

Интернет маълумотлари. <https://akitrf.ru/oez/ob-oez/>

Project World Free Zones Economic Outlook. (<https://www.ifw-kiel.de/institute/world-free-zones-economic-outlook/>).

World Free Zones Economic Outlook. www.ifw-kiel.de/institute/world-free-zones-economic-outlook